

«Муштум» ўзининг ёзишгувчиларнинг самимиятини, дардини яхши биладир. Чунки дард бўлмаса, самимият бўлмаса, биз подачини кўлида калтаги билан кўрмас эдик. Биз бу ўринда шу самимий йўлдошларимизга, кўлдошларимизга, бир-икки оғиз гап сотмокчи бўламиз: сиз бир мухитда яшайсиз, яъни кишлокда, шахарда ёки кўйда. Шу ўзингиз яшаган мухитда, шубҳасиз, дагаллик бор, кўполлик бор, кингирлик бор, кийшиклик бор. Шу аносири арбаадан кайси бўлса бўлсин, мутаоқиб сизнинг ижтиомий рухингизга ўзининг чучмал таъсирини бермай ва нафратингизни уйготмай кўймайдилар. Албатта, шу вакт "Муштум"ни ўйлаб кўлингизга калам оласиз. Аммо шу калам олишдан илгари бирмунча андиша лозимдир: шошмаслик керак. «Шошган киз эрга ёлчимас» маколини балки эшитганингиз бордир. Ўн карра ўлчаб, бир мартаба кесмок яхши:

- 1) сиз олган мавзунинг ижтиомий ва сиёсий манфаати;
- 2) кош кўйиб, эвазига кўз чикармайсизми;
- 3) масала замирида шахсий манфаатингиз, яъни олди-берди жан-жалингиз йўкми... Бу жихатдан каноатингиз том бўлса, энди навбат каламницидир.

Яхши билиш керакки, калам — ўклоги, матбуот — кетмон бозори эмас. Йўсисиз равишда хотирага келган хар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайди. Сўз — колип, фикр унинг ичига куйилган гишт бўлсин, кўпчилик хумдонидан пишик чиккач, янги хаёт айвонига асос бўлиб ётсин!..

Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узок андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошкамарнинг тушунмаслиги катта айб. Асли, ёзувчилик — айтмоқчи бўлган фикрни хаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмаслицидир. Бундан бошка, фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин берилмаслиги лозим. Шундагина иборанинг тузатиб босилишига йўл кўймаган ва мустакил услугуб ва ифодага эга бўлиб, ўзингизнинг каламдаги истикболингизни таъмин килган бўласиз. Кишига ишониш ва бехуда кучаниш маъкул гап эмас, бирорга орка килиб, ўзингизда бўлган талантнинг рухига фотиха ўкий кўрмангиз! Бир соатда эмас, ўн соатда ёзиш, бир кайта эмас, ўн кайта тузатиш кишининг ёрдамига термулишга караганда хам фойдалик, хам умидлидир.